

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИГА ИНСОН ПОРТРЕТИНИ ЧИЗИШ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

Худойназарова Ўзғилой Шарифовна¹, Азаматова Фарида Қиличбек қизи²

*¹А.Қодирий номидаги ЖДПУ ўқитувчиси, ²Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси йўналиши талабаси Жиззах, Ўзбекистон.*

e-mail: xudoynazarova@gmail.com

***Аннотация:** Мақолада олий ўқув юрти талабаларига инсон портретини чизиш ва қонун-қоидаларини ўргатиш, портрет чизиш қонун-қоидалари, етук рассомларнинг яратган портрет асарлари ҳақида ҳамда талабалар билимини назорат қилиш учун тузилган даражали тест намуналари келтирилган.*

***Калит сўзлар:** портрет таълим, периспектив, вертикал, романтик, бюст ,гурухли портре ,интерьер, пластик анатомия*

Методика обучения законам и правилам рисования человеческого портрета студентов высшего образования

***Аннотация:** В статье представлены методика обучения рисованию портрета человека и его правила для студентов вузов, правила рисования портрета, портретные работы, созданные зрелыми художниками, а также примеры оценочных тестов, предназначенных для контроля знаний студентов.*

***Ключевые слова:** портретное образование, периспектива, вертикаль, романтика, бюст, групповой портрет, интерьер, пластическая анатомия.*

Methodology of teaching the laws and rules of drawing a human portrait to higher education students

***Annotation:** The article presents the teaching of human portrait drawing and its rules to university students, the rules of portrait drawing, the portrait works created by mature artists, and examples of graded tests designed to control students' knowledge.*

***Key words:** portrait education, perispective, vertical, romantic, bust, group portrait, interior, plastic anatomy*

Портрет - инсон образини тасвирий санъатда яратишда энг мураккаб жанр ҳисобланади. Маълумки ҳар бир даврнинг уста рассомлари бўлган. Улар портрет асарларида замондошларининг гўзал қиёфаси образларини яратиб, кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирган. Уйғониш даврининг

буюк номоёндаси Ленаардо да Винчининг «Автопортрет», «Джаконда» асари, Веласкеснинг «Папа Инокентий X» портрети, шулар жумласидандир. XVII аср Европа рассомлари ичида портрет жанрида ижод қилган тасвирий санъатнинг буюк дарғалари етишиб чиқди.

Европа музейларида Гольбейн, Рембрант, Тициан, Рафаэль, Батичелли каби забардаст тасвирий санъат усталарининг яратган ноёб асарлари сақланмоқда. Ҳамма улуғлар каби Рембрант ҳам ижод соҳасида меҳнаткаш, серунум эди. Фақат Автопортретларининг ўзи 60 тадан ортиқ эди. Одам юз қиёфасининг тузилиши, тасвир воситаси соя ёруғларнинг жойлашиши орқали психологик ҳолатини чуқур ўрганишни асосий вазифа деб биларди.

XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек портрет санъати юксалиб ривожланди. Портрет соҳасида Лутфулла Абдуллаев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Малик Набиевлар самарали ижод қилиб келмоқдалар. Лутфулла Абдуллаевнинг «Мулла тўйчи Тошмухамедов», «Йўлдош Охунбобоев» портретлари реалистик ананаларда моҳирона тасвирланган.

Абдулҳақ Абдуллаев биринчи ўзбек портретчи рассомлардан бири бўлиб, портрет соҳасида салмоқли ижод қилди. У ўз замондошлари, зиёлиларни, олимларни адабиёт ва санъат намоёндаларини портрет галлереясини яратиб катта муваффақиятларга эришди. «Аброр Хидоятлов Отелло ролида», ёзувчи «Ойбек» портрети муаллифининг шох асарларидан бўлиб, Отеллони ўйчан боқиши, гавда ҳаракати портретга романтик кўтаринкилик руҳини бахш этган.

Инсон ва унинг бепаён ички дунёси ҳамиша рассомларнинг асосий диққат-етибори ва изланиши учун асосий мавзу бўлиб келган. Дарҳақиқат шундай экан, инсонлар образига қаратилган портрет санъатини бўлажак рассом-педагоглар ҳар жихатдан билиши ниҳоятда муҳимдир. Портретчи рассом одамларга хос турли жихатларни ҳис қила билмоғи, айниқса одамнинг қиёфасидаги самимийлик ёки сохта жихатларни тасвирлай билиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Амалий машғуллотлар жараёнида талабалар портрет ишлашда кўплаб муаммоларга дуч келади. Масалан, талаба қиёфачини чизишдан аввал уни синчиковлик билан ўрганиб чиқмайди, перспектив қонун-қоидаларга, ўзаро нисбатларни тўғри топа олмаслиги, ички конструктив чизиқлар, пластик анатомиясини топаолмаслик ва шу каби муаммолар сабабли портрет ўзига ўхшамайди. Бу эса талабани портрет чизишга ўзида кўрқув ҳисси туғилади. Санъаткорнинг машаққатли меҳнати ўта қузатувчанлик, нозик ва қалтис дамларни илғай билиш қобилияти шу жиҳатларни ўз қалами билан тасвирлай олиши орқасида юзага чиқади. Тасвирий санъатнинг портрет жанри санъатида ижод қилиш бўйича босқичларини кўрсатиб ўтамыз:

Портрет чизишда биринчи босқичда бажарилиши керак бўлган топшириқлар

- 1) Формат танлаш.
- 2) Композицион жойлаштириш.
- 3) Чизиқли конструктив қуриш.
- 4) Ишни рангга тайёрлаш

Дастлаб қиёфачига мос бўлган формат танланади. Портрет қандай ҳолатда ишлашига қараб (елкагача, белгача, кўллари билан ёки бошдан оёқ, ўтиргани, тургани ва шунга ўхшаш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда) формат танланади. Агар портрет бошдан оёқ ишланиши керак бўлса, форматнинг вертикалига узунроқ бўлгани танланади.

Портретни форматга жойлаштиришда, агар қиёфачи тўғри қараб турган бўлса, ўнг ва чап томондан бир хил, юқоридан пастги томонга қараганда кўпроқ жой қолдирилади. қиёфачи қайси томонга қараб турган бўлса, шу томонда кўпроқ жой қолади.

Конструктив қуриш. Инсон қиёфаси пластик анатомия қоидаларини ўрганиш асосида қурилади. Инсон ички тузилишини билиш ва портретни қуриш давомида гарчанд у кўринмасада, буни ҳис қила олиш орқали тасвирлаш. Дастлаб инсон қиёфасининг ҳолати энгил конструктив чизиқлар билан белгилаб олиш. Гавда қисмларининг ўзаро мутаносиблигини тўғри

топиш. Таянч нуқтасини, оғирлик марказини топиш. Бош, гавда қисмларининг ҳолатини тўғирлаш. Юз аъзоларини (кўз, бурун, лаб, қулоқ,) ўзига хос ҳарактерли жиҳатларини топиб чизиш. Ортиқча чизиқларни ўчириш.

Портрет чизишда иккинчи босқичда бажарилиши керак бўлган топшириқлар

- 1) қиёфачининг рангини ўрганиб чиқиш
- 2) палитрага рангларни қўйиб чиқиш
- 3) рангда чизиқлар устидан чизиб чиқиш(мойбўёқда ишлаганда)
- 4) қиёфачининг соя томонларини белгилаб олиш
- 5) катта-катта асосий ранг тусларини белгилаб олиш
- 6) умумий рангини топиш
- 7) қиёфачининг ранги ўрганиб чиқилади.

Портрет чизишда учинчи босқичда бажарилиши керак бўлган топшириқлар

- 1) Мойбўёқ техникасига амал қилган ҳолда янада аниқлаштириш
- 2) Ёруғ, сояни тўғри аниқлаш
- 3) Қиёфачининг ўзига қараб унинг сурати солиштирилади
- 4) Юз аъзолари (кўз, қулоқ, бурун, лаб) синчиковлик, эътибор билан ишлаш
- 5) Ёруғ томонларига ишлов бериш
- 6) Ранг бериш баробарида, қиёфачининг ҳолати, ҳарактерли жиҳатларини эсдан чиқармай тўғирлаб бориш.
- 7) қиёфачининг умумий ҳолатини йўқотмасдан ранг беришда давом этиш

Портрет чизишда тўртинчи босқичда бажарилиши керак бўлган топшириқлар

Ишнинг якунловчи қисми:

Ишнинг якунловчи босқичида, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлаш зарур.

Умумлаштириш: умумий кўринишдаги ранглар уйғунлигини сақлаган ҳолда, ишдаги бўёқлар бўртиб чиқиб қолган рангларни хиралаштириш, керакли жойларда ёрқин ранглар суртмаларини қўйиш.

Портрет мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади; калла портрети, кўкрак қиёфали портрет (бюст), ярим гавда портрет, бутун гавда қиёфаси портрети, портрет картина, гурухли портрет, миниатюра портрети ва хакозо. Портрет композициянинг тузилишида инсонинг ташқи ва ички қиёфаси, унинг рухияти, шунингдек қўли, ўтириш ҳолати, либослари, интерьердаги предметлар асосий восита сифатида муҳим роль ўйнайди.

Ҳар бир рассом портрет яратишда ўз тажрибаси, усулига таянади. Бунга ҳар хил кутилмаган ҳолатда, ранг ва техникада бажарилган портретлар далил бўла олади. Баҳодир Жалоловнинг кинорежиссёр «Комил Ёрматов» портрети шу фикримизни тасдиқлайди. Шунинг учун портрет яратишда ёшлар улуғ портрет усталари тажрибасини ўрганиб улардан унумли фойдаланишлари лозим. Портретчи рассом аввал тасвирланувчи билан чуқурроқ танишиб, бир мунча даврда уни кузатиб, суҳбатлашиб, уни асосий характери, хусусиятларини, ички ва ташқи дунёсини яхши ўрганиши керак.

Талабалар билимини назорат қилиш учун тузилган даражали тест намуналари

1. Тасвирий санъат жанрларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расм остига мос рақамларни ёзинг.

1)портрет; 2) натюрморт; 3) манзара; 4) марина; 5) ботал;
6)тарихий; 7)анималистик

						
А	Б	С	Д	Е	Ф	Г

Расмли ва кўп жавобли ностандарт тест жавоби қуйидагича бўлади.

1-С	2-Г	3-Б	4-Д	5-Ф	6-Е	7-А
------------	------------	------------	------------	------------	------------	------------


2. Ушбу расмлар қандай тасвирий санъат ашёларидан фойдаланиб ишланганлигини аниқланг ва жадвалга ҳар бир ашё остига мос рақамни қўйинг.

1) акварель бўёғида; 2) мойбўёқда; 3) кўмирқаламда; 4) оддий қора қаламда
5) настелда;


				
А	Б	С	Д	Е

Жавоби: 1-С 2-Б, 3-А, 4-Е, 5-Д

3. Расмда берилган тусланиш қонун-қоидаларини аниқлаб, мос рақамларни ёзинг.

	<i>ярим соя</i>	1
	<i>Шахсий соя</i>	2
	<i>Тушувчи соя</i>	4
	<i>Ёруғ</i>	6
	<i>Шула</i>	5
	<i>Ялтироқлик</i>	7

Жавоби:

	<i>ярим соя</i>	3
	<i>Шахсий соя</i>	4
	<i>Тушувчи соя</i>	5
	<i>Ёруғ</i>	1

	<i>Шула</i>	6
	Портрет ишлаш боскичлари	Рақамлар
	• Умумлаштириш	
	• рангда ишлов бериш	
	• жойлаштириш	
	• шакл нисбатларини топиш	
	• якунлаш	
	• Соя-ёруғ рангини топиш	
	<i>Ялтироқлик</i>	2

4. Портрет ишлаш босқичи кетма-кетлигини мос рақамларини ёзинг.

Жавоби:

	Портрет ишлаш боскичлари	Рақамлар
	Умумлаштириш	4
	рангда ишлов беришда аниқлаштириш	5
	Жойлаштириш	1
	шакл нисбатларини топиш	2
	Якунлаш	6
	Соя-ёруғ рангини топиш	3

5. Асарлар номини аниқланг ва мос рақамларни ёзинг

1	2	3	Асар номи	Рақамлар
			“Дугоналар”	
			“Нодирабегим”	
			М.Набиев	

4		5			
				кўшиқ	
				Ермолова портрети	

Жавоби:

1	2	3	Асар номи	Рақамлар
			“Дугоналар”	2
			“Нодирабегим”	1
			М.Набиев	4
4			кўшиқ	5
			Ермолова портрети	6

Демак, шуни хулоса қиламизки, талабалар портрет чизишда қийиналмасликлари учун юқорида келтирилган портрт чизиш қонун-қоидаларига амал қилишлари, ҳам амалий, ҳам назарий билимларни пухта эгаллашлари, етук рассомларнинг портрет ишларини ўрганиш, таҳлил қилишлари, улардан нусха кўчиришлари, пластик анатомияни ўрганиши, амалий машқлар қисқа муддатли қораламалар (наброска, зарисовка) бажаришлари муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Норсаид Ойдинов “Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари”. Т., “Ўқитувчи”-“Зиё-ношир”, 1997,-15-16 бет
2. Р.Ҳасанов. Мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. Т., Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2004.-86

3. Р.Хасанов. Тасвирий санъат асослари. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа – ижодий уйи , 2009, 58-59 б
4. С.Абдирасилов, Н.Толипов, Н. Орипова. Рангтасвир.Т. “Ўзбекистон”- 2006, 102 б
5. Т.Қўзиев; А.Эгамов “Рангтасвир” (5-9 синфлар учун) Тошкент-2008.
6. Б.Бойметов. Қаламтасвир. Т.: “Муסיқа” нашриёти.- 2006 , 194б
- 7.Р.Ражабов, Ҳ. Султонов. Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма Т. 2008.